ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 517.95.

Муқимова Дилбархон Хусанбоевна

ЭЛЛИПТИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН ХОС СОНЛАР ВА ХОС ФУНКЦИЯЛАР ҲАҚИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАР

5А460102 – дифференциал тенгламалар мутахассислиги бўйича
магистр академик даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: физика - математика фанлари доктори, профессор А.Қ.Ўринов

Фарғона - 2011

МУНДАРИЖА

Кириш... 3

I БОБ. ЛАПЛАС ТЕНГЛАМАСИ УЧУН МАСАЛАЛАР.......... 8

1.1-§ Лаплас тенгламаси учун ярим доирада қўйилган масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари……………………………….. **8**

1.2-§ Лаплас тенгламаси учун чорак доирада қўйилган масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари…………………………..... **25**

II БОБ. СИНГУЛЯР КОЭФФИЦИЕНТЛИ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН МАСАЛАЛАР... 35

2.1-§ Битта сингуляр коэффициентли тенглама учун бир спектрал масаланинг хос қийматлари ва хос функциялари……..................... **35**

2.2-§ Сингуляр коэффициентли ва тенг параметрли тенглама учун масалалар……………………………………………………………... **43**

2.3-§ Иккита сингуляр коэффициентли ва турли параметрли тенглама учун масалалар……………………………………........................ **46**

ХУЛОСА……………………………………………………….. 52

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.. 53

КИРИШ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлашнинг аҳамиятига изоҳ бериб шундай деган эди[1]:

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир оқибат, барибир кадрларга бориб қадалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачарок қилиб айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

…Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга оширилиши жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

…Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс - фуқарони камол топтиришга эртага синф хоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ».

Дарҳақиқат, баркамол инсон шахсининг шаклланиши бевосита узлуксиз таълим жараёнида амалга ошади. Шундай экан, ҳар жабҳада муваффақиятга эришиш, жумладан юқори малакали кадрлар тайёрлашда миллий дастурнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълимнинг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга қодир, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун, шунингдек Республикамиз Президенти айтгани каби «мамлакатимизнинг бой илмий - техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари - автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология, электротехника

[1] И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. 370-403 бетлар

ва электроника саноатларини, телекоммуникация ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суръатларда ривожлантириш» учун сабоқ олаётган ҳар бир шахс ўзи ўрганган таълим мазмунини чуқур англаши, қаерда ва қандай татбиқ қилишни билиши, ҳаётда эса ўзи амалиётга татбиқ қила олиши керак.

Мавзунинг долзарблиги.

Гиперболик ва параболик типдаги тенгламалар учун бошланғич, чегаравий ва аралаш масалалар қўйиш ва ўрганиш мумкин бўлса, эллиптик типдаги тенгламалар учун фақат чегаравий масалалар ва уларга мос спектрал масалалар қўйилади ва ўрганилади. Буларнинг энг соддалари Дирихле, Нейман ва Стокс масалалари бўлиб, кейинги йилларда нолокал масалалар ҳам ўрганила бошланди. Нолокал масалаларда берилган шарт номаълум функция ёки ҳосилаларининг қаралаётган соҳа чегарасидаги қийматини соҳа ички нуқталаридаги қийматлари билан боғлайди. Ҳозирги кунда бошқа типдаги тенгламалар учун ҳам бундай масалалар жадал ўрганилмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар учун доирада ва ярим доирада хос қийматлари ва хос функцияларини топиш масаласи яхши ўрганилган. Бу йўналиш бўйича ярим доирада хамда чорак доирада Лаплас тенгламаси учун нолокал шартли масалалар ва сингуляр коэффициентли тенгламалар учун эса хатто локал шартли хос қийматлар ва хос функцияларни топиш ҳақидаги масалалар кам ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади.

Диссертацияда кўзда тутилган асосий мақсад ярим доирада хамда чорак доирада Лаплас тенгламаси учун нолокал шартли ва эллиптик типдаги сингуляр коэффициентли тенгламалар учун локал шартли хос қийматлар ҳақидаги масалаларни ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифаси.

Лаплас тенгламаси ва эллиптик типдаги сингуляр коэффициентли тенгламалар учун ярим доирада хамда чорак доирада хос қийматлар ҳақидаги баъзи масалаларнинг саноқли сондаги хос қийматларга ва хос функцияларга эга эканлигини исботлаш.

Илмий янгилиги.

Диссертацияда олинган илмий натижаларнинг барчаси янги. Унда эллиптик типдаги тенгламалар учун ярим доирада хамда чорак доирада хос қийматлари ва хос функцияларини топишга оид масалалар баён қилинган. Қўйилган масалалар саноқли сондаги хос қийматларга ва хос функцияларга эга эканлиги исботланган.

Тадқиқот усуллари.

Қўйилган масалаларнинг хос қийматларга ва хос функцияларга эга эканлигини исботлашда ўзгарувчиларни ажратиш, яъни Фурье усулидан фойдаланилган.

Илмий натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда олинган илмий натижалар асосан назарий аҳамиятга эга. Лекин улар эллиптик типдаги тенгламалар учун спектрал масалалар назариясининг янада ривожлантиришда ва бакалавриатнинг «математика» йўналиши талабалари учун махсус курслар ўқишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг мухокамаси.

Олинган илмий натижалар ФарДУ қошидаги «Дифференциал тенгламалар ва унга турдош математик соҳаларнинг долзарб муаммолари» илмий семинарида маъруза қилинган. Диссертация мавзуси бўйича 3 та илмий мақола эълон қилинган ва 1 та мақола чоп этиш учун топширилган (рўйхат илова қилинади).

Диссертациянинг тузилиши ва хажми.

Диссертация кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, боблар параграфларга бўлинган. Диссертация 54 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ:

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унинг ўрганилганлик даражаси батафсил баён қилиниб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари олинган натижаларнинг илмий янгилиги ҳамда тадқиқот усуллари ҳақида ҳам маълумот берилиб, илмий натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг апробацияси ҳамда диссертациянинг тузилиши ва хажми баён қилинган.

Биринчи бобда ярим доирада ва чорак доирада ушбу

$$u_{xx} + u_{yy} + \lambda u = 0 \qquad (1)$$

тенглама учун қўйилган нолокал масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари топилган.

1.1-§ да (1) тенглама учун ярим доирада A_λ^0, B_λ^0, C_λ^0 ва Γ_λ^0 деб аталган масалалар қўйилган ва ўрганилган. 1.2-§ да (1) тенглама учун чорак доирада A_λ^0, B_λ^0, C_λ^0 ва Γ_λ^0 масалаларнинг аналоглари бўлган A_λ^1, B_λ^1, C_λ^1 ва Γ_λ^1 ҳамда E_λ^1 деб номланган масалалар қўйилган ва ўрганилган.

Иккинчи бобда

$$u_{xx} + u_{yy} + \frac{2\beta}{y} u_y + \lambda u = 0 \qquad (2)$$

$$u_{xx}+u_{yy}+\frac{2\beta}{x}u_x+\frac{2\beta}{y}u_y+\lambda u=0 \qquad (3)$$

$$u_{xx}+u_{yy}+\frac{2\alpha}{x}u_x+\frac{2\beta}{y}u_y+\lambda u=0 \qquad (4)$$

тенгламалар учун масалалар ўрганилган.

2.1-§ да (2) тенглама учун F_λ деб белгиланган спектрал масала ўрганилган. 2.2 ва 2.3 -§ ларда (3) ва (4) тенгламалар учун тўрттадан масалалар қўйилган ва ўрганилган. Баён қилинган масалаларни ечишда аввал қутб координаталар системасига ўтилиб, сўнгра ўзгарувчиларни ажратиш усули қўлланилган. Бунда қўйилган масалалар оддий дифференциал тенгламалар учун, жумладан, Бессель ва Гаусс тенгламалари учун хос қийматлари ва хос функцияларини топиш ҳақидаги масалага келтирилган.

I БОБ

ЛАПЛАС ТЕНГЛАМАСИ УЧУН МАСАЛАЛАР

1.1-§. Лаплас тенгламаси учун ярим доирада қўйилган масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари.

1.1.1. A_λ^0 масала.

A_λ^0 **масала.** λ параметрнинг шундай қийматлари топилсинки,

$$u_{xx} + u_{yy} + \lambda u = 0 \tag{1}$$

тенгламанинг $\overline{\Omega} = \{(x,y) : x^2 + y^2 \le 1, y \ge 0\}$ соҳада тривиал бўлмаган ва

$$u\big|_{(x,y)\in\overline{\sigma}} = 0\,; \tag{2}$$

$$\begin{aligned} &\alpha u(x,0) + \beta u(-x,0) = 0\,, && 0 \le x \le 1\,; \\ &\gamma u_y^{'}(x,0) + \delta u_y^{'}(-x,0) = 0, && 0 < x < 1 \end{aligned} \tag{3}$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y) \in C(\Omega) \cap C^1(\Omega UOA \cup OB) \cap C^2(\Omega))$ ечими топилсин.

Бу ерда α, β, γ, δ - берилган ҳақиқий сонлар бўлиб, $\alpha^2 + \beta^2 \ne 0$, $\gamma^2 + \delta^2 \ne 0$ шартларни қаноатлантиради, $O(0,0)$, $A(1,0)$, $B(-1,0)$, $\sigma = \{(x,y) \vdots x^2 + y^2 = 1, y > 0\}$ (1-чизма).



1-чизма

Одатда A_λ^0 масалада топилиши талаб қилинаётган λ нинг қийматлари бу масаланинг хос қийматлари, уларга мос тривиал бўлмаган функциялар эса хос функциялари дейилади.

A_λ^0 масала ечимини

$$u(x,y) = R(r)\Phi(\varphi) \tag{4}$$

кўринишида қидирамиз.

Бу ерда

$$r = \sqrt{x^2 + y^2}, \qquad \varphi = arctg\frac{y}{x},$$

яъни

$$x = r\cos\varphi, \qquad y = r\sin\varphi.$$

У холда

$$u(x,y) = \delta\left(r\cos\varphi, r\sin\varphi\right)$$

ва

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = \frac{x^2}{r^2}\delta_{rr} - \frac{2xy}{r^3}\delta_{r\varphi} + \frac{y^2}{r^4}\delta_{\varphi\varphi} + \frac{y^2}{r^3}\delta_r + \frac{2xy}{r^4}\delta_\varphi,$$

$$\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = \frac{y^2}{r^2}\delta_{rr} + \frac{2xy}{r^3}\delta_{r\varphi} + \frac{x^2}{r^4}\delta_{\varphi\varphi} + \frac{x^2}{r^3}\delta_r - \frac{2xy}{r^4}\delta_\varphi.$$

Буларни тенгламага қўйиб, қуйидагини топамиз:

$$\delta_{rr} + \frac{1}{r^2}\delta_{\varphi\varphi} + \frac{1}{r}\delta_r + \lambda\delta = 0. \tag{5}$$

(4) ни (5) га қўйсак

$$R''(r)\Phi(\varphi) + \frac{1}{r}R'(r)\Phi(\varphi) + \frac{1}{r^2}\Phi''(\varphi)R(r) + \lambda R(r)\Phi(\varphi) = 0$$

келиб чиқади.

Бундан

$$\frac{r^2\left[R''(r) + \frac{1}{r}R'(r) + \lambda R(r)\right]}{R(r)} = -\frac{\Phi''(\varphi)}{\Phi(\varphi)}$$

тенгликни оламиз. Бу ифода

$R(r)$ ва $\Phi(\varphi)$ га нисбатан алоҳида-алоҳида тенгламаларга ажралади:

$$R''(r) + \frac{1}{r}R'(r) + (\lambda - \frac{\mu^2}{r^2})R(r) = 0, \quad 0 < r < 1,$$

$$\Phi''(\varphi) + \mu^2\Phi(\varphi) = 0, \qquad 0 < \varphi < \frac{\pi}{2}.$$

(2) шартдан

$$u\Big|_{r=1} = \Phi(\varphi)R(r)\Big|_{r=1} = 0,$$

яъни

$$R(1) = 0$$

тенгликни топамиз. (4) ни (3) га қўямиз:

$$\alpha R(x)\Phi(0) + \beta R(x)\Phi(\pi) = 0,$$

$$\gamma R(x)\Phi'(0) + \delta R(x)\Phi'(\pi) = 0.$$

Бу ердан $R(x) \neq 0$ эканлигини эътиборга олиб, тенгликларнинг ҳар икки томонини $R(x)$ га бўлиб,

$$\alpha\Phi(0) + \beta\Phi(\pi) = 0,$$

$$\gamma\Phi'(0) + \delta\Phi'(\pi) = 0$$

тенгликларга эга бўламиз. $u(0,0)$ чегараланган бўлганлиги учун $\left|R(0)\right| < +\infty$ шарт ҳам ўринли бўлади. Натижада $\Phi(\varphi)$ ва $R(r)$ функцияларга нисбатан хос қиймат ва хос функциялар хақида қуйидаги масалаларга эга бўламиз:

1-масала. μ параметрнинг шундай қийматлари топилсинки,

$$\Phi''(\varphi) + \mu^2\Phi(\varphi) = 0, \qquad 0 < \varphi < \pi \tag{6}$$

тенгламанинг $[0;\pi]$ да тривиал бўлмаган ва

$$\alpha\Phi(0) + \beta\Phi(\pi) = 0, \qquad \gamma\Phi'(0) + \delta\Phi(\pi) = 0 \tag{7}$$

шартларни қаноатлантирувчи ечими мавжуд бўлсин.

2-масала. μ ва λ нинг шундай қийматлари топилсинки,

$$r^2R''(r) + rR'(r) + (\lambda r - \mu^2)\Phi(r), \qquad 0 < r < 1 \tag{8}$$

тенгламанинг $[0,1]$ да тривиал бўлмаган ва

$$|R(0)| < +\infty, \qquad R(1) = 0 \tag{9}$$

шартларни қаноатлантирувчи ечими мавжуд бўлсин.

Аввал 1-масалани ечамиз. Маълумки (6) тенгламанинг умумий ечими

$$\Phi(\varphi) = k_1\cos\mu\varphi + k_2\sin\mu\varphi \tag{10}$$

кўринишга эга [4], бу ерда k_1 ва k_2 ихтиёрий сонлар. (10) ни (7) га қўйиб, k_1 ва k_2 га нисбатан

$$\begin{cases} k_1(\alpha + \beta\cos\mu\pi) + k_2\beta\sin\mu\pi = 0, \\ k_1\delta\sin\mu\pi - k_2(\gamma + \delta\cos\mu\pi) = 0 \end{cases} \tag{11}$$

тенгламалар системасига эга бўламиз. Агар бу система тривиал бўлмаган ечимига эга бўлса, (10) функция ҳам тривиал бўлмайди.

(11) система тривиал бўлмаган ечимга эга бўлиши учун, унинг асосий детерминанти нол бўлиши керак, яъни

$$\begin{vmatrix} \alpha + \beta\cos\mu\pi & \beta\sin\mu\pi \\ \delta\sin\mu\pi & \gamma - \delta\cos\mu\pi \end{vmatrix} = 0,$$

ёки

$$(\alpha\delta+\beta\gamma)\cos\mu\pi=-(\alpha\gamma+\beta\delta) \qquad (12).$$

Бу ерда қуйидаги холлар бўлиши мумкин:

1. $\alpha\delta+\beta\gamma=0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$.

Бунда (12) тенглама ечимга эга эмас. Демак, 1-масала ечимга эга эмас.

2. $\alpha\delta+\beta\gamma=0$, $\alpha\gamma+\beta\delta=0$.

Бунда (12) ихтиёрий μ учун ечимга эга. Демак, 1-масала, ихтиёрий μ учун тривиал бўлмаган ечимга эга. Бунда, ихтиёрий μ_0 ни олиб, уни (10) га қўйиб,

$$k_1\cos\mu_0\pi+k_2\sin\mu_0\pi\neq 0$$

шартни қаноатлантирувчи k_1, k_2 ларни танлаб, 1-масаланинг тривиал бўлмаган ечимга эга бўламиз.

3. $\alpha\delta+\beta\gamma\neq 0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$, $\left|\dfrac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right|>1$.

Бунда (12) тенглама ечимга эга эмас. Демак, 1-масала ечимга эга эмас.

4. $\alpha\delta+\beta\gamma\neq 0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$, $\left|\dfrac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right|\leq 1$.

Бунда (12) тенглама чексиз кўп

$$\mu_m=\frac{1}{\pi}\arccos\left[\frac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right]+(2n-1), \quad n\in N$$

ечимларга эга бўлиб, 1-масала чексиз кўп хос қиймат ва хос функцияларга эга бўлади. Бу ерда α, β, γ, δ ни турли вариантларда танлаш мумкин. Биз хусусий холларни кўриб ўтамиз.

а) $\alpha=\beta=\gamma\neq\delta$.

Бунда $\mu_n=2n-1$, $n\in N$ бўлади. μ нинг бу қийматлари учун (11) системани

$$k_1^2+k_2^2\neq 0$$

шартни қаноатлантирувчи $\forall k_1^2, k_2$ лар қаноатлантиради. У ҳолда, (10) га асосан 1-масала

$$\Phi_n(\varphi)=k_1\cos\left[(2n-1)\varphi\right]+k_2\sin\left[(2n-1)\varphi\right],\ n\in N$$

тривиал бўлмаган, ечимларга эга бўлади. Бу ерда k_1, k_2 лар $k_1^2+k_2^2\neq 0$ шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий ўзгармаслар.

б) $\alpha=-\beta=\gamma=-\delta\neq 0$.

Бунда $\mu_n=2n$, $n\in N$ бўлиб, 1-масала

$$\Phi_n(\varphi)=k_1\cos(2n\varphi)+k_2\sin(2n\varphi),\ n\in N$$

тривиал бўлмаган ечимларга эга бўлади. Бу ерда k_1, k_2 лар

$$k_1^2+k_2^2\neq 0$$

шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий ўзгармаслар.

в) $\alpha=\beta\neq 0$, $\gamma\neq\delta$.

Бунда $\mu_2=2n-1$, $n\in N$ бўлиб, (11) дан $k_2=0$ эканлиги келиб чиқади. Демак, 1-масала

$$\Phi_n(\varphi)=k_1 cos(2n-1)\varphi, \qquad n\in N$$

хос функцияларга эга, бу ерда $k_1\neq 0$ ихтиёрий сон.

2) $\gamma=\delta\neq 0$, $\alpha\neq-\beta$.

Бунда $\mu_n=2n-1$, $n\in N$ бўлиб, 1-масала

$$\Phi_n(\varphi)=k_2\sin[(2n-1)\varphi], \qquad n\in N$$

хос функцияларга эга бўлади.

д) $\alpha=-\beta\neq 0$, $\gamma\neq\delta$.

Бунда $\mu_n = 2n-1$, $n \in N$ бўлиб, (12) дан $k_2 = 0$ эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун 1-масала

$$\Phi_n(\varphi) = k_1 cos\left((2n-1)\varphi\right),\ n \in N$$

хос функцияларга эга бўлади.

е) $\alpha \neq \beta$, $\gamma = -\delta \neq 0$.

Бунда $\mu_n = 2n-1$, $n \in N$ бўлиб, (12) дан $k_1 = 0$ эканлиги келиб чиқади. Шунинг учун 1-масала

$$\Phi_n(\varphi) = k_2 \sin[(2n-1)\varphi], \qquad n \in N$$

хос функцияларга эга бўлади.

Энди 2-масалани ечишга ўтамиз. (8) – Бессель тенгламаси бўлиб, унинг умумий ечими

$$R(r) = l_1 J_\mu\left(\sqrt{\lambda r}\right) + l_2 Y_\mu\left(\sqrt{\lambda r}\right) \tag{13}$$

кўринишга эга [2], бу ерда l_1 ва l_2 - ихтиёрий ўзгармаслар бўлиб, $J_\mu(z)$ ва $Y_\mu(z)$ мос равишда биринчи ва иккинчи тур Бессель функцияларидир.

(13) функциялар ичида (9) нинг биринчи шартини қаноатлантирувчиси

$$R(r) = J_\mu\left(\sqrt{\lambda r}\right), \qquad \mu \geq 0$$

функциядан иборат. Хусусий холда, бу ерда $\mu = \mu_n$ (μ_n- 1-масалада топилган мусбат сонлар) деб олсак, яъни (8) тенгламанинг (9) шартлардан биринчисини қаноатлантирувчи

$$R_n(r) = J_{\mu_n}\left(\sqrt{\lambda r}\right)$$

функцияга эга бўламиз.

Бу функцияни (9) нинг 2-шартига бўйсундириб, яъни $r = 1$ деб,

$$J_{\mu_n}\left(\sqrt{\lambda}\right)=0, \qquad n\in N \qquad (14)$$

тенгламага эга бўламиз. Маълумки бундай тенгламалар саноқли сондаги ҳақиқий ечимларига эга [4]. (14) нинг m- мусбат илдизини $\theta_m^{(\mu_n)}$ деб белгиласак, 2-масаланинг хос қийматларга эга бўламиз:

$$\lambda_{n,m}=\left[\theta_m^{(\mu_n)}\right]^2,\ n,m\in N .$$

Бу хос қийматларга мос хос функциялар

$$R_{n,m}=J_{\mu_n}\left[\theta_m^{(\mu_n)}r\right], \qquad m,n\in N \qquad (15)$$

функциялардан иборат.

(15) ва 1-масаланинг μ_n- хос қийматига мос $\Phi_n(\varphi)$ хос ечимини (5) га қўйиб, A_λ^0 масаланинг

$$\lambda_{n,m}=\left[\theta_m^{(\lambda_n)}\right]^2, \qquad n,m\in N$$

хос қийматларга мос хос функцияларга эга бўламиз:

$$u_{n,m}(x,y)=k_{n,m}J_{\mu_m}\left[\theta_m^{(\mu_n)}r\right]\Phi_n(\varphi),\ m,n\in N,$$

бу ерда $k_{n,m}\neq 0$ ихтиёрий ўзгармаслар.

Шундай қилиб, қуйидаги теоремани исботладик:

1-теорема. Қуйидаги шартлардан бири бажарилган бўлсин:

1) $\alpha\delta+\beta\gamma=0$, $\alpha\gamma+\beta\delta=0$;

2) $\alpha\delta+\beta\gamma\neq 0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$, $\left|\dfrac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right|\leq 1$.

У холда A_λ^0 масала саноқли сондаги хос қийматларга ва хос функцияларга эга.

1.1.2. B_λ^0 масала.

B_λ^0 **масала.** λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламанинг $C\left(\overline{\Omega}\right)\cap C^1\left(\Omega\cup OA\cup OB\right)\cap C^2\left(\Omega\right)$ синфга тегишли ва (2) ҳамда

$$u\left(x,0\right)=0, \qquad -1\le x\le 0; \tag{16}$$

$$u(x,0)=\int_0^x u_y(t,0)J_0\left[\sqrt{\lambda}(x-t)\right]dt, \quad 0\le x\le 1 \tag{17}$$

шартларни қаноатлантирувчи тривиал бўлмаган ечими мавжуд бўлсин.

Бу масалани ҳам ўзгарувчиларни ажратиш усули билан ечамиз.

(4) ни (2), (16) ва (17) га қўйиб,

$$R(1)\Phi(\varphi)=0,\ 0\le\varphi\le\pi;$$

$$R(x)\Phi(\pi)=0\ \ 0\le x\le 1;$$

$$\Phi(0)R(r)=\Phi'(0)\int_0^r R(t)\cdot\frac{1}{t}J_0\left[\sqrt{\lambda}(r-t)\right]dt, \qquad 0\le r\le 1$$

ларни ҳосил қиламиз.

Булардан ташқари, $u(0,0)=0$ эканини эътиборга олиб, $\Phi(\varphi)R(0)=0$ шартни топамиз.

Юқоридаги тенгламаларда $\Phi(\varphi)\not\equiv 0$, $R(r)\not\equiv 0$ эканини эътиборга олиб қуйидаги иккита масалага келамиз:

$$\text{(I)} \qquad \begin{cases} r^2R''(r)+rR'(r)+(\lambda r^2-\mu^2)R(r)=0, & 0<r<1, \quad (18)\\ R(0)=0,\ R(1)=0, & (19)\end{cases}$$

$$
\text{(II)} \qquad \begin{cases} \Phi''(\varphi) + \mu^2 \Phi(\varphi) = 0, & 0 < \varphi < \pi, \qquad (20) \\ \Phi(\pi) = 0, & (21) \\ R(x)\Phi(0) = \Phi'(0) \int\limits_0^x R(t) t^{-1} J_0 \left[\sqrt{\lambda}(x-t) \right] dt, & 0 \le x \le 1. \qquad (22) \end{cases}
$$

Аввал (18) - (19) масаланинг ечимини топамиз. Маълумки (18) тенгламанинг умумий ечими

$$
R(r) = c_1 J_\mu \left(\sqrt{\lambda} r \right) + c_2 Y_\mu \left(\sqrt{\lambda} r \right)
$$

формула билан берилади, бу ерда c_1, c_2 - ихтиёрий ўзгармас сонлар. Бу ерда c_1 ва c_2 ўзгармасларни шундай танлаймизки, $R(r)$ (19) шартларни қаноатлантирсин. Шунинг учун бу ифодада $c_2 = 0$ деймиз, акс холда $Y_\mu(x)$ функция $x = 0$ нуқтада чегараланган эмас. Бундан ташқари, $\mu \ge 0$ дейиш керак, чунки шу холдагина $J_\mu(0) = 0$ бўлади. $c_1 \ne 0$ ни эътиборга олсак ва умумийликни чегараламай $c_1 = 1$ деб, (18) тенгламанинг (19) шартни қаноатлантирувчи ечими

$$
R(r) = J_\mu \left(\sqrt{\lambda} r \right), \qquad \mu > 0 \tag{23}
$$

эканини топамиз.

Энди иккинчи масала ечимини топамиз. (23) ни (22) га қўйиб,

$$
J_\mu \left(\sqrt{\lambda} r \right) \Phi(0) = \Phi'(0) \int\limits_0^r \frac{1}{t} J_\mu \left(\sqrt{\lambda} r \right) J_0 \left[\sqrt{\lambda}(r-t) \right] dt
$$

ни ҳосил қиламиз. Бу ерда

$$
\int\limits_0^a \frac{1}{t} J_k(ca - cx) J_\nu(cx) dx = \frac{1}{\nu} J_{k+\nu}(ac), \ a, \mathrm{Re}\,\nu > 0, \ \mathrm{Re}\,k > -1 \tag{24}
$$

формуладан фойдаланиб [4],

$$\Phi(0)=\frac{1}{\mu}\Phi'(0), \qquad \mu>0 \tag{25}$$

га эга бўламиз. Шундай қилиб, (II) масаланинг ечими (25) тенгликни қаноатлантирар экан, яъни (II) масала {(20), (21), (25)} масалага тенг кучли экан.

Охирги масалани ечамиз. (20) тенгламанинг умумий ечими

$$\Phi(\varphi)=c_1\cos\mu\varphi+c_2\sin\mu\varphi \tag{26}$$

кўринишда бўлади.

Буни (21) ва (25) га қўйиб, c_1 ва c_2 ларни топамиз:

$$\Phi(0)=c_1,\ \Phi'(0)=\left(-\mu c_1\sin\mu\varphi+\mu c_2\cos\mu\varphi\right)\Big|_{\varphi=0}=\mu c_2.$$

Буларни (25) га қўйиб $c_1=c_2$ га эга бўламиз. Буни (26) га қўйиб эса

$$\Phi(\varphi)=c_1(\cos\mu\varphi+\sin\mu\varphi)$$

ни хосил қиламиз. Бу ерда $\varphi=\pi$ десак, (21) га асосан

$$\Phi(\pi)=c_1(\cos\mu\pi+\sin\mu\pi)=0, \qquad c_1\neq 0$$

бўлади. Бундан эса

$$\cos\mu\pi+\sin\mu\pi=0$$

тригонометрик тенглама келиб чиқади. Бу тенглама чексиз кўп ечимларга эга:

$$\mu=k-\frac{1}{4}, k=0,\pm 1,\pm 2,....$$

Бу ечимлар ичидан $\mu>0$ шартни қаноатлантирувчи қийматларини ажратамиз, яъни

$$k-\frac{1}{4}>0 \tag{27}$$

тенгсизликни қаноатлантирувчи k ларга мос μ ларни оламиз. (27) дан кўринадики, агар $k=1,2,....$ бўлса, (27) тенгсизлик бажарилади.

$$\mu_k = k - \frac{1}{4}, \qquad k=1,2,... \qquad (28)$$

қийматларда {(20), (21), (22)} масала тривиал бўлмаган ечимларга эга бўлади. Бу ечимлар ушбу кўринишга эга:

$$\Phi_k(\varphi) = c_{1k}\left(\cos\mu_k\varphi + \sin\mu_k\varphi\right), \qquad k=1,2,... \qquad (29)$$

$\mu_k(k=1,2,...)$нинг (28) қийматларида (23) ни (19) шартларнинг иккинчисига қўйиб λ га нисбатан қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$J_{\mu_k}\left(\sqrt{\lambda}\right) = 0, \qquad k=1,2,... \qquad (30).$$

Маълумки [4], бу тенглама чексиз кўп ечимларга эга ва у ечимлар хақиқийдир. (30) тенгламанинг m- мусбат илдизини α_{mk} билан белгиласак, B_λ масаланинг хос қийматларни

$$\lambda_{mk} = \alpha_{mk}^2, \quad k=1,2,...; \quad m=1,2,... \qquad (31)$$

кўринишида эканлигини топамиз. λ нинг бу қийматларини (23) га қўйиб,

$$R_{mk}(r) = J_{\mu k}(\alpha_{mk} r) \qquad (32)$$

функцияларга эга бўламиз. (29), (31) ва (32) ларга асосан, B_λ^0 масаланинг тривиал бўлмаган саноқли сондаги ечимлари мавжудлигини ва улар

$$u_{mk}(x,y) = c_{mk}\left(\cos\mu_k\varphi + \sin\mu_k\varphi\right) J_{\mu k}\left(\sqrt{\lambda_{mk}}\, r\right), \qquad m,k=1,2... \qquad (33)$$

тенглик билан аниқланишини топамиз, яъни қуйидаги теорема ўринли эканлигини топамиз:

2-теорема. B_λ^0 масала саноқли сондаги хос қийматлари ва хос функцияларига эга. Хос қийматлар (31) тенглик билан, хос функциялар эса (33) тенгликлар билан аниқланади. Бу ерда

$$\mu_k = k - \frac{1}{4}, \qquad k \in N,$$

$\alpha_{m,k}$ эса (30) тенгламанинг m - чи мусбат илдизи.

1.1.3. C_λ^0 масала.

C_λ^0 **масала.** λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламанинг $u(x,y) \in C\left(\overline{\Omega}\right) \cap C^1\left(\Omega \cup OA \cup OB\right) \cap C^2\left(\Omega\right)$ синфга тегишли ва (2), (16) ва

$$u_y(x,0) = 0, \qquad -1 \le x \le 0 \tag{34}$$

шартларни қаноатлантирувчи тривиал бўлмаган ечими мавжуд бўлсин.

Бу масалани ечишда ҳам ечимни

$$u(x,y) = R(r) \cdot \Phi(\varphi)$$

кўринишда қидирамиз, сўнгра юқорида бажарилган ишларни амалга ошириб, (21) шарт ўрнига

$$\Phi'(\pi) = 0 \tag{35}$$

шартни оламиз. (20) нинг умумий ечимини (25) ва (35) га қўйиб,

$$\sin \mu\pi - \cos \mu\pi = 0$$

кўринишдаги тригонометрик тенгламани хосил қиламиз.

Бу тенглама

$$\mu = k + \frac{1}{4}, \; k = 0, \pm 1, \pm 2, ...$$

кўринишидаги ечимга эга бўлиб, уларнинг ичидан $\mu > 0$ шартни қаноатлантирувчиларини ажратиб оламиз:

$$\mu_k = k + \frac{1}{4}, \qquad k = 0,1,2,\dots .$$

У холда (20), (25), (35) масаланинг ечими

$$\Phi_k(\varphi) = c_{1k}(\cos\mu_k\varphi + \sin\mu_k\varphi), \qquad k = 0,1,2,...$$

кўринишда бўлади.

μ_k нинг шу қийматларида (26) ни (19) нинг иккинчисига қўйиб, λ га нисбатан (30) кўринишдаги тенгламага эга бўламиз. Бу тенглама хар бир μ_k $(k = 0,1,2,...)$ учун саноқли сондаги ечимларга эга. Уларнинг m- чи мусбат ечимини $\alpha_{m,k}$ билан белгиласак, қўйилган масаланинг хос сонлари (31) кўринишда бўлади. У холда масаланинг Ω сохадаги хос функцияларини

$$u_{mk}(x,y) = C_{mk}(\cos\mu_k\varphi + \sin\mu_k\varphi)J_{\mu_k}\left(\alpha_{m,k}r\right)$$

кўринишида ёзишимиз мумкин, бу ерда $k = 0,1,2,\dots$, $m = 1,2,\dots$.

Демак, бу ерда ҳам 2-теорема ўринли экан, фақат бу холда

$$\mu_k = k + \frac{1}{4}, \qquad k = 0,1,2,\dots .$$

1.1.4. Γ_λ^0 масала.

Γ_λ^0 масала. λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламанинг Ω сохада аниқланган ва (2), (17) ва

$$u(x,0) = \int_0^x u_y(t,0)J_0[\sqrt{\lambda}(x-t)]dt, \qquad -1 \le x \le 0 \qquad (35)$$

шартларни қаноатлантирувчи тривиал бўлмаган ечими мавжуд бўлсин.

Бу масалани ечишда ҳам аввал қутб координаталар системасига ўтиб, сўнгра ўзгарувчиларни ажратамиз. Натижада

$$\begin{cases} r^2R''(r)+rR'(r)+(\lambda r-\mu^2)R(r)=0, & 0<r<1; \\ \left|R(0)\right|<+\infty, \qquad R(1)=0; \end{cases} \tag{36}$$

$$\begin{cases} \Phi''(\varphi)+\mu^2\Phi(\varphi)=0, & 0<\varphi<\pi; \\ R(x)\Phi(0)=\Phi'(0)\int\limits_0^x R(t)t^{-1}J_0\left[\sqrt{\lambda}(x-t)\right]dt, & 0\le x\le 1; \\ R(x)\Phi(\pi)=-\Phi'(\pi)\int\limits_0^x R(t)t^{-1}J_0\left[\sqrt{\lambda}(x-t)\right]dt, & 0\le x\le 1 \end{cases} \tag{37}$$

масалаларга эга бўламиз, бу ерда μ^2 - номаълум ўзгармас.

(36) масаланинг дастлабки икки шартини қаноатлантирувчи

$$R(r)=J_\mu\left[\sqrt{\lambda}r\right], \quad \mu>0$$

ечимидан фойдаланиб, (24) формула ёрдамида (37) масалани

$$\begin{cases} \Phi''(\varphi)+\mu^2\Phi(\varphi)=0, \quad 0<\varphi<\pi; \\ \mu\Phi(0)=\Phi'(0); \\ \mu\Phi(\pi)=-\Phi'(\pi) \end{cases} \tag{38}$$

кўринишга келтириш мумкин. (38) даги тенгламанинг умумий ечими бўлган (26) функцияни (38) нинг 2- ва 3- шартларига қўйиб ва μ га бўлиб,

$$\begin{cases} c_1=c_2\ , \\ c_1\cos\mu\pi+c_2\sin\mu\pi=c_1\sin\mu\pi-c_2\cos\mu\pi, \end{cases}$$

яъни

$$\begin{cases} c_1 = c_2, \\ c_1(\cos\mu\pi - \sin\mu\pi) + c_2(\sin\mu\pi + \cos\mu\pi) = 0 \end{cases}$$

тенгламалар системасига эга бўламиз.

Бу система тривиал бўлмаган ечимга эга бўлиши учун $\cos\mu\pi = 0$ бўлиши зарур. Бу тригонометрик тенглама чексиз кўп ечимларга эга бўлиб, улар

$$\mu = \pm\frac{1}{2} + 2k, \qquad k = 0, \pm 1, \pm 2, ...$$

формула билан топилади. Уларнинг ичида $\mu > 0$ шартни қаноатлантирувчилари эса

$$\mu_n = k - \frac{1}{2}, \; k = 1, 2, ...$$

тенглик билан аниқланади. Буни ва $c_1 = c_2$ тенгликни эътиборга олиб, (26) дан (37) масаланинг ечимларини топамиз:

$$\Phi_k(\varphi) = c_k\left[\cos\left(k - \frac{1}{2}\right)\varphi + \sin\left(k - \frac{1}{2}\right)\varphi\right], \quad k = 1, 2, ... \tag{39}$$

(36) масалада

$$\mu = \mu_k = k - \frac{1}{2}$$

деб, бу масала тривиал бўлмаган ечимга эга бўлиш шартига эга бўламиз:

$$J_k(\sqrt{\lambda}) = 0, \; k \in N.$$

Бу тенгламалар саноқли сондаги хақиқий илдизларга эга бўлиб, уларнинг m-чи мусбат илдизини α_{km} билан белгиласак, (37) масаланинг хос қийматларига эга бўламиз:

$$\lambda_{k,m} = \alpha_{km}^2, \qquad k, m = 1, 2, ... \tag{40}$$

Бу хос қийматларга (37) масаланинг

$$R_{k,m}(r) = J_{k-\frac{1}{2}}(\alpha_{km} r) \tag{41}$$

хос ечимлари мос келади.

Энди (4), (39) ва (41) ларни эътиборга олиб, (40) сонлар Γ_λ^0 масаланинг ҳам хос қийматлар эканлигини ва унга мос хос функциялар

$$u_{k,m}(x,y) = \left[C_{k,m} J_{k-\frac{1}{2}}\left[\alpha_{k,m}\sqrt{x^2+y^2} \right] \cos\left(k-\frac{1}{2} \right)\varphi + \right.$$

$$\left. + \sin\left(k-\frac{1}{2} \right)\varphi \right], \qquad k,m = 1,2,... \tag{42}$$

тенгликлар билан аниқланишни топамиз.

3-теорема. Γ_λ^0 масала саноқли сондаги хос қийматлари ва хос функцияларига эгадир ва улар мос равишда (40), (42) тенгликлар билан аниқланади, бу ерда

$$\mu_k = k - \frac{1}{2},\ k \in N$$

α_{km} - эса $J_{k-\frac{1}{2}}(\sqrt{\lambda}) = 0$ тенгламанинг m - чи мусбат илдизи.

1.2-§. Лаплас тенгламаси учун чорак доирада қўйилган масалаларнинг хос қийматлари ва хос функциялари.

Ω_1 орқали xOy текислигининг $\sigma_0 = \left\{(x,y): x^2+y^2=1, y>0, x>0\right\}$ ёй ва



2-чизма

$OA = \left\{(x,y): y=0, 0<x<1\right\}$, $OB = \left\{(x,y): x=0, 0<y<1\right\}$ кесмалар билан чегараланган сохасини белгилайлик (2-чизма). Бу сохада Лаплас тенгламаси учун қўйилган бир неча масалаларнинг хос қийматлари ва хос функцияларини топиш билан шуғулланамиз.

1.2.1. A_λ^1, B_λ^1, C_λ^1 ва Γ_λ^1 масалалар.

A_λ^1 **масала.** λ параметрнинг шундай қийматлари топилсинки,

$$u_{xx} + u_{yy} + \lambda u = 0 \qquad (1)$$

тенгламанинг $\overline{\Omega}_1$ сохада аниқланган ва

$$u\big|_{(x,y)\in\overline{\sigma_0}\cup\overline{OB}} = 0; \qquad (2)$$

$$\begin{cases} \alpha u(t,0) + \beta u(0,t) = 0, & 0 \le t \le 1; \\ \gamma u_y'(t,0) + \delta u_x'(0,t) = 0, & 0 < t < 1 \end{cases} \qquad (3)$$

шартларни қаноатлантирувчи тривиал бўлмаган $u(x,y)\in C(\overline{\Omega}_1)\cap$ $\cap C^1(\Omega_1\cup OA\cup OB)\cap C^2(\Omega_1)$ ечими мавжуд бўлсин, α, β, γ, δ – берилган сонлар бўлиб, $\alpha^2+\beta^2\neq 0$, $\gamma^2+\delta^2\neq 0$.

Бу масала ечимини хам

$$u(x,y)=R(r)\Phi(\varphi) \tag{4}$$

кўринишида қидирсак, $R(r)$ га нисбатан A_λ^0 даги 2-масалага келамиз, $\Phi(\varphi)$ га нисбатан эса қуйидаги масалага келамиз:

$1'$**-масала.** μ_1 параметрнинг шундай қийматлари топилсинки,

$$\Phi''(\varphi)+\mu_1^2\Phi(\varphi)=0, \qquad 0<\varphi<\frac{\pi}{2} \tag{5}$$

тенгламанинг $\left[0,\frac{\pi}{2}\right]$ да тривиал бўлмаган ва

$$\alpha\Phi(0)+\beta\Phi\left(\frac{\pi}{2}\right)=0, \qquad \gamma\Phi'(0)+\delta\Phi'\left(\frac{\pi}{2}\right)=0 \tag{6}$$

шартларни қаноатлантирувчи ечими мавжуд бўлсин.

Бу масала ечимини

$$\Phi(\varphi)=k_1\cos\mu_1\varphi+k_2\sin\mu_1\varphi \tag{7}$$

кўринишида қидирамиз. (7) ни (6) шартларга бўйсундирсак,

$$\begin{cases} k_1\left(\alpha+\beta\cos\mu_1\frac{\pi}{2}\right)+k_2\beta\sin\frac{\mu_1\pi}{2}=0, \\ k_1\delta\sin\frac{\mu_1\pi}{2}-k_2\left(\gamma+\cos\frac{\mu_1\pi}{2}\right)=0 \end{cases} \tag{8}$$

тенгламалар системасига эга бўламиз. (8) системада $\left(\frac{\mu_1}{2}\right)=\mu$ белгилаш

киритсак, (8) система 1-§ даги (11) система кўринишига келади. $1'$-масаланинг тадқиқотининг қолган қисми 1-масаладаги каби амалга

оширилади. 1-масаланинг якуний натижаларида $\mu=\frac{\mu_1}{2}$ десак, $1'$- масала

натижаларига эга бўламиз. Жумладан:

1. $\alpha\delta+\beta\gamma=0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$ да масала ечимга эга эмас.

2. $\alpha\delta+\beta\gamma=0$, $\alpha\gamma+\beta\delta=0$ да масала чексиз кўп ечимларга эга.

3. $\alpha\delta+\beta\gamma\neq 0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$, $\left|\frac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right|>1$ да масала ечимга эга эмас.

4. $\alpha\delta+\beta\gamma\neq 0$, $\alpha\gamma+\beta\delta\neq 0$, $\left|\frac{\alpha\gamma+\beta\delta}{\alpha\delta+\beta\gamma}\right|\leq 1$ да масала чексиз кўп ечимларга эга.

Агар $1'$-масаланинг хос қийматларини μ_{1n} билан белгиласак, $\mu_{1n}=2\mu_n$ бўлиб, $1'$ масаланинг хос функциялари $\Phi_n(2\varphi)$ бўлади, бу ерда μ_n ва $\Phi_n(\varphi)$ 1-масаланинг хос қийматлари ва хос функциялари. У холда $R(r)$га нисбатан

$$\begin{cases} r^2R''(r)+rR'(r)+\left[\lambda^2-(2\mu_n)^2\right]R(r)=0, & 0<r<1, \\ |R(0)|<+\infty, \quad R(1)=0 \end{cases} \tag{9}$$

масалага эга бўламиз.

Бу масала тривиал бўлмаган ечимга эга бўлиши учун

$$J_{2\mu_n}\left(\sqrt{\lambda}\right)=0, \qquad n=1,2,... \tag{10}$$

тенгликлар бажарилиши керак. $\mu_n > 0$ бўлганлиги учун бу тенгламалар саноқли сондаги хақиқий илдизларга эга бўлиб, уларни биз $\alpha_{n,m}$ деб белгиласак, A_λ^1 масаланинг

$$\lambda_{n,m} = \alpha_{n,m}^2, \qquad\qquad n,m = 1,2,...$$

хос қийматларга эга бўламиз. Шундай қилиб, қуйидаги хулосага келамиз: A_λ^1 масала саноқли сондаги хос сонларга ва хос функцияларга эга бўлиб, унинг хос сонлари (10) тенгламанинг ечимлари сифатида топилади, хос функциялари эса

$$u_{n,m}(x,y) = C_{n,m}\Phi_n(\varphi)R_{n,m}\left(\sqrt{\lambda_{n,m}}r\right), \quad n,m = 1,2,...$$

тенглик орқали аниқланади, бу ерда $\Phi_n(\varphi)$ ва $R_{n,m}\left(\sqrt{\lambda_{n,m}}r\right)$ функциялар мос равишда $\{(5),(6)\}$ ва (9) масалаларнинг тривиал бўлмаган ечимлари.

Худди шу усулда B_λ^0 ва C_λ^0 масалалардан фойдаланиб, қуйидаги масалаларнинг ҳам саноқли сондаги хос қийматлари ва хос функциялари мавжуд эканлигини исботлаш мумкин.

B_λ^1 **масала.** λ нинг шундай қийматларини топингки, (1) тенгламанинг $\overline{\Omega}_1$ да аниқланган ва (2),

$$u(0,y) = 0, \qquad 0 \le y \le 1,$$

$$u(x,0) = \int_0^x u_y(t,0)J_0\left[\sqrt{\lambda}(x-t)\right]dt, \qquad 0 \le x \le 1 \qquad (11)$$

шартларни қаноатлантирувчи тривиал бўлмаган $u(x,y) \in C(\overline{\Omega}_1) \cap$ $\cap C^1(\Omega_1 \cup OA \cup OB) \cap C^2(\Omega_1)$ ечими мавжуд бўлсин.

C_λ^1 **масала.** λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламани $\overline{\Omega}_1$ да аниқланган ва (2), (11) ва

$$u_x(0,y)=0\,,\ 0<y<1$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)\in C(\overline{\Omega}_1)\cap C^1(\Omega_1\cup OA\cup OB)\cap C^2(\Omega_1)$ тривиал бўлмаган ечими мавжуд бўлсин.

Γ_λ^1 **масала.** λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламани (2), (11) ва

$$u(0,y)=\int_0^y u_x(0,t)J_0[\sqrt{\lambda}(y-t)]dt\,,\ 0\le y\le 1$$

шартларни қаноатлантирувчи $u(x,y)\in C(\overline{\Omega}_1)\cap C^1(\Omega_1\cup OA\cup OB)\cap C^2(\Omega_1)$ тривиал бўлмаган ечимлари мавжуд бўлсин.

Бу масалаларда $\lambda_{n,m}$ хос қийматларни олиш учун $J_{\mu_{1n}}\left(\sqrt{\lambda}\right)=0$ тенгламаларга эга бўламиз, бу ерда $\mu_{1n}=2\mu_n$ бўлиб, μ_n лар мос равишда B_λ^0, C_λ^0 ва Γ_λ^0 масалаларда топилган сонлар.

1.2.2. E_λ **масала.**

E_λ **масала.** λ нинг шундай қийматлари топилсинки, (1) тенгламанинг $C(\overline{\Omega}_1)\cap C^1(\Omega_1\cup OA\cup OB)\cap C^2(\Omega_1)$ синфга тегишли ва (2),

$$u(x,0)-u(0,x)=\int_0^x u_y(t,0)J_0[\sqrt{\lambda}(x-t)]dt\ ,\ \ 0\le x\le 1,$$

